

№4-СОН ШАРТНОМА

Коракўл туман

2022 йил «11»ноябр

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи Коракўл туман ихтисослаштирилган мактаб интернати номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор Т.Рўзиев бир томондан, ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи “Азизбек Элбек келажаги” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор А.Насуллаев иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади ушбу Шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Пуллик хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра, Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи зса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачи мактаб ўкувчиларини 0024-22-сон СанҚвАН Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида мактабларда тарбияланётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талаблар”га, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ 5 (беш) ва 2 (икки) маҳал иссик овқат билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.
- 1.3. Хизмат кўрсатиш манзили: Коракўл туман Хўжалар МФЙ Улугбек кўчаси 87 уй. Мактаб ўкувчилари сони: 504 нафар. Беш маҳал овқатланадиган ўкувчилар сони: 504 нафар. Икки маҳал овқатланадиган ўкувчилар сони: 0 нафар. Хизмат кўрсатиш муддати: 1-2-иловаларга мувофиқ кўрсатилган.
- 1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартиба расмийлаштирилган хисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб ракамига пул маблағлари ўtkазилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

- 2.1.1. Мазкур шартноманинг 1.2-бандида кайд этилган хизматларни шартнома имзоланган кундан бошлиш.
- 2.1.2. Таомни сифатли тайёрлаш бўйича Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида мактабларда тарбияланётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талаблар (0024-22-сон СанҚвАН)га, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги ВМҚ 218-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимида мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсернинг усулида ташкил этиш тўғрисида»ти карорида белгиланган талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.
- 2.1.3. Мактаб ўкувчиларининг овқатланишини ташкил этишида тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларини харид килиш ҳамда шу маҳсулотлардан фойдаланиш.
- 2.1.4. Аутсорсер буюртмачининг буюртмасига асосан ёткозонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган ўкувчиларни ҳам белгилантан тартиба ҳар кунлик овқат билан таъминлаш.
- 2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1-2-иловаларида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.
- 2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида мактаб ошхоналарида ўз фаолиятини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга ошириш. Таомларнинг (озик-овқат маҳсулотларининг) сифатлилиги, таом тайёрлаш ва истеъмол килиш жойларининг озодалигига риоя этиш, шунингдек, ошхона идишларининг санитария қоидаларига жавоб беришини таъминлаш. Агарда ушбу мажбуриятлар юзасидан камчилик аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан

Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини 1 кун мудидча бажариш.

2.1.7. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга Буюртмачига тақдим этган холда таом тайёрлаш жараёнига рухсат этиши.

2.1.8. Аутсорсер мактаб ўкувчиларини соглом овқатлантириш хизматини мактаб ошхонасининг ўзида тўлиқ ва сифатли ташкил этиши, шунингдек, ўкувчиларга белгиланган вақтда таомларни тайёрлашда ички тартиб-коидаларга риоя қилиш.

2.1.9. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.1.10. Хизматлар нархини оширган холда шахсий маблаглари ҳисобидан: соликлар тўлаш; белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; озик-овқат маҳсулотларини харид қилиш; озик-овқат маҳсулотларини савдо нуктасидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш; ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган заарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан тъминлаш, ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналарини ва бошка жиҳозларни соз холатда саклаш, таъмирлаши, қайта тўлдириш, бино ва иншоатларни ички ва ташки кисмидаги техник жиҳатдан жиҳозлаш, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур холатда саклаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган холда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиш.

2.1.12. Санитария-гигиена ва бошка коидаларга риоя қилмаганлиги сабабли назорат қилувчи органлари томонидан кўлланилувчи молиявий ҳамда бошка санкция ва жарималар учун шахсан Аутсорсер жавобгар.

2.1.13. Аутсорсер хизматни бошлаши олдидан, ўзи ва таом тайёрлаш ҳамда стказиб бериш бўйича барча ходимлари тўғрисидаги маълумотларни (хужжат нусхалари билан) Буюртмачига тақдим этиши.

2.1.14. Аутсорсер таомномани бир кун олдинги ўкувчилар сонига мутаносиб равишида ҳар бир ўкувчи учун бир кунлик ўртacha сарфланадиган озик-овқат маҳсулотлари микдори ва уларнинг киймати чиқарилган холда мазкур Шартномага 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ уч нусхада бир кун олдин соат 18.00 гача тузилади ҳамда мактаб директори билан келишилади. Таомноманинг биринчи нусхаси аутсорсерга, иккинчи нусхаси Буюртмачига ҳамда учичи нусхаси ошхонага фойдаланиш учун берилади. Таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг микдорлари кўрсатилади.

2.1.15. Аутсорсер мактаб ўкувчиларининг хавфсиз овқатланишини тъминлаш максадида мазкур Шартномага 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ сифати тез бузилувчи озик-овқат маҳсулотларини кайд этиш дафтарини юритиши лозим.

2.1.16. Ҳар ўн кунда тасдикланган таомномалар нусхалари ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактура хужжатларини мактаб бухгалтериясига тақдим этиши.

2.1.17. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳакида Буюртмачини уч ой олдин ёзма равишида огохлантириш, ушбу муддат тутагунига қадар эса Буюртмачига мактаб ўкувчиларини овқатланишини узлуксиз ташкил этишни тъминлаш.

2.1.18. Аутсорсер конун хужжатларида белгиланган бошка хукукларга эга.

2.2. Аутсорсер қўйидаги хукукларга эга:

2.2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачидан тўловларни ўз вақтида тўланишини талаб қилиш.

2.2.2. Мактаб ўкувчиларининг овқатланишини ташкил этиши учун мактаб ошхонасининг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳамда ижара шартномасини расмийлаштириш орқали «ноль» ставкаси бўйича вақтинча фойдаланишга олиш.

2.3. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.3.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун белгиланган нархлар бўйича келишилган тартибда Хизматлар ҳакини тўлаш.

2.3.2. Аутсорсерга мактаб ўкувчиларининг овқатланишини ташкил этиш учун «ноль» ставкаси бўйича ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вактинча фойдаланишга топшириш бўйича тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳамда ижара шартномасини расмийлаштириш.

2.3.3. Мактабда кейинги кунга таомнома режасини тузиш учун Буюрмачи аутсорсерга бир кун олдин соат 16.00 гача бир кун олдинги ўкувчилар сонига нисбатан буортма тақдим килади. Шунингдек, ётокхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида колган ўкувчиларнинг сони ҳам бир кун олдин тақдим килинади.

2.3.4. Фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида мактабга ажратилган бюджет маблаглари хисобидан қоплаш.

2.3.5. Ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вактинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелларни фойдаланиш учун «ноль» ставкада топшириш.

2.3.6. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳакида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огохлантириш.

2.4. Буюртмачи қуйидаги хуқукларга эга:

2.4.1. Аутсорсер томонидан бажарилаётган ишларининг юритилиши ва таёrlанаётган таомларнинг сифатини таомномага мувофиқлигини исталган вақтда ўз вакиллари орқали текшириш;

2.4.2. Аутсорсердан ўз мажбуриятларини ушбу шартнома ва танлаш хужжатларида белгиланган талаблар доирасида бажаришини талаб қилиш;

2.4.3. Аутсорсердан шартнома шартлари бажармаслиги ва/ёки зарар етказган ҳолатларда зарарни қоплашини талаб қилиш;

2.4.4. Шартномани мазкур шартноманинг 2.3.6. банди талабларига риоя қилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш, бунда Буюртмачи Аутсорсерни шартномани бекор қилиш ҳакида ёзма равишда огохлантирганида, мазкур шартноманинг 2.3.6. бандида назарда тутилган муддат ўтганидан сўнг, аутсорсердан рад жавобини олган тақдирда, аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш;

2.4.5. Аутсорсер томонидан тайёрланган таомни истеъмол қилиш натижасида мактаб ўкувчиларининг касалланиши ҳолати юз берган тақдирда, шартномани ушбу шартноманинг 2.3.3. бандидаги талабларга риоя қилмаган ҳолда бир тарафлама бажаришдан бош тортиш;

2.4.6. Буюртмачи қонун хужжатларида белгиланган бошқа хуқукларга эга.

III. ШАРТНОМАНИНГ НАРХИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартнома умумий суммаси 26 кун учун 1-2-иловаларга мувофиқ келтирилган хизмат хусусиятлари йигиндисидан ташкил топади.

3.2. Буюртмачи олдиндан тўловни шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи микдорида шартнома кучга кирган кундан 10 (үн) банк куни ичida ўтказади.

3.3.1. Колган 70 фоизи ҳакикатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб тақдим этилган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида ҳар 10 кунда амалга оширилади.

3.3.2. Мактаб ўкувчилари учун кўрсатиладиган овқатлананиш хизматларининг белгиланган нархи Аутсорсер етказиб берувчилардан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархини (Махаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотлари нархидан юкори бўлмаган ҳолда) овқатланниш маҳалидан келиб чиқиб мактаб ўкувчилари сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма “12” фоиз устами ҳаки микдорига кўпайтирилади (яъни, таомномага кўра овқат таннархи умумий суммаси Аутсорсер томонидан белгиланган устами ҳакига кўпайтирилади).

3.3.3. Овқатланувчи мактаб ўкувчиларининг амалдаги сони ҳакидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир ўкувчига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озик-овқат маҳсулотларининг таксимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда, бажарилган ишларнинг йигма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва мактаб директори томонидан имзоланади.

3.3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда, расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида тўланади.

3.3.5. Мазкур Шартномага З-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини хисоблаш учун озиқ-овқат махсулотларининг нархлари Томонлардан бирининг ташаббуси билан одатда бир ойда камидан бир марта қайта кўриб чиқилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Аутсорсер Буюртмачи мактаб ўкувчиларининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня (жарима) тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган норматив-хукукий хужжатларига мувофиқ кўлланилади.

4.5. Шартнома асосида хизматларни бажариш санаси ишларни бажариш далолатномаси расмийлаштирилган сана хисобланади.

4.6. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг маъсул ходими томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган далолатнома бўйича кабул қилинади.

4.7. Шартнома ва танлаш хужжатларида белгиланган хизмат ёки махсулотлар сифати, стандартлари хамда техник топширикларига мос бўлмаса, Аутсорсер мос келмаган махсулот сифати ёки хизмат нархидан 50% жарима тўлайди.

4.8. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизмат учун Буюртмачи томонидан ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун Буюртмачи Аутсорсерга кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% микдорда пеня, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

V. МУНОЗАРАЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон калар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда Иктисадий судларда кўриб чиқиш учун берилади.

VI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1. Томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўлик бажарилмаганини учун, агар бундай холат енгиги бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва технологен тусдаги фавқулодца ҳолатлар оқибати хисобланса, мажбуриятдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Ушбу Шартномага хар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолантгандан сўнг хақиқий хисобланади.

7.2. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Газначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 1-2-иловаларда кўрсатилган муддаттагча амал қиласи.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАИЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

АУТСОРСЕР

Азизбек Элбек келажаги МЧЖ

Гиждувон туман Нодирабегим
МФЙ М.Ашрафий куча 133/6
уй

Банк: АТБ ИнфинБАНК

МФО:01107

ИНН:303528462

Х/Р:20208000900523177001



А. Насуллаев

Хукукшунес(ИМЗО) ва Ф.И.Ш

Лицензия(диплом)№ ва берилган сана

БУЮРТМАЧИ

Қоракўл туман
ихтиослаштирилган мактаб
интернати

Қоракўл туман Хўжалар МФЙ Улугбек
кўча 87 уй

Банк: Тошкент. ш Марказий банк

МФО:00014

ИНН:309867322

ШХВ:100021860062307092300347001

Директор



Т.Рўзиев

Лицензия(диплом)№ ва берилган сана

2022 йил «11» ноябрдаги 4-сон Шартномага
1-ИЛОВА

**2022-йилда мактаб ўқувчиларини соглом овқатлантириш хизматини
аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича**

**1-сонли
ХИЗМАТ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Хизмат кўреатиши (амал килиш) муддати – 2022-йил 31 декабргача.

Хизмат суммаси – 470000000 сўм КҚС билан бирга (2022-йил учун).

Устама хаки – “12” фоиз.

Т/р	Хизмат номи	Жами ўқувчилар сони	Жами ўқиш кунлари сони	Бир ўқувчига кунилик озиқ-овқат нархи* (устама хаки билан бирга)			
				5 маҳал овқатланиш киймати	Ўқувчилар сони	2 маҳал овқатланиш киймати	Ўқувчилар сони
I.	Мактабларда соглом овқатлантиришини аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизмати	504	26	36196.40	504		
	Жами овқатланиш харажатлари				470 000 000		
	Умумий овқатланиш суммаси				470 000 000 сўм		

*Мағалий ҳокимиятлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг тасдиқланган нархларига кўра шакллантирилади.

2022 йил «11» ноябрдаги 4-сон Шартномага
2-ИЛОВА

**2022-йилда мактаб ўкувчиларини соглом овқатлантириш хизматини
аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича**

**2-сонли
ХИЗМАТ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Хизмат кўрсатиш (амал қилиш) муддати – 2022-йил 31-декабргача.

Хизмат суммаси – 470 000 000 сўм ККС билан бирга (2022-йил учун).

Устама ҳаки – “12” фоиз.

T/p	Хизмат номи	Жами ўкувчилар сони	Жами ўқиш кунлари сони	Бир ўкувчига кунлик озиқ-овқат нархи* (устама ҳаки билан бирга)			
				5 маҳал овқатланиш	Ўкувчилар сони	2 маҳал овқатланиш	Ўкувчилар сони
1.	Мактабларда соглом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизмати	504	26	36196.40	504		
Жами овқатланиш харажатлари (Ўқиш куни × овқатланиш маҳали × ўкувчи сони)				470 000 000			
Умумий овқатланиш суммаси				470 000 000 сўм			

*Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг тасдиқланган нархларига кўра шакллантирилади.

**Аутсорсинг хизмати харажатлари 2022 йил учун сметатада кўзда туттилган тақдирда амалга оширилади.

2022 йил «II» ноябрдаги 4-сон Шартномага
З-ИЛОВА

**Мактаб ўкувчилари учун кунинга 2 ва 5 махал овқатланиш билан тавсия этилган озиқ-овқат
маҳсулотларининг тўпламлари ва ҳисоб китоби**
(хокимлик томонидан тасдиқланган озиқ-овқат нархларига мувофиқ (ноябр ойи))

№	Маҳсулотларининг тури	1 кг (дона) нархи (сўм)	5 махал овқатланиш		2 махал овқатланиш	
			Кунлик нормаси (гр)	Киймати (сўм)	Кунлик нормаси 45% (гр)	Киймати (сўм)
1	Витамин ва минераллар билан бойитилган 1-навли бүгдой унидан ион	2 800	400	1 866,7	180	
2	1-навли бүгдой уни	6 500	35	227,5	15,75	
3	Крахмал	50 000	3	150,0	1,35	
4	Ёрмалар, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош -5 гр	12 000	70	840,0	31,5	
5	Шакар	15 000	40	600,0	18	
6	Қандолат маҳсулотлари	17 000	25	425,0	11,25	
7	Сарнёғ (сигир сутидан тайёрланган)	55 000	50	2 750,0	22,5	
8	Ўсимлик мойлари	19 000	20	380	9	
9	2,5-3,2 фоиз ёғли табиий сигир сути	4 700	300	1410	135	
10	Катик	5 000	200	1000	90	
11	15 фоизли ёғли сметана	9 000	15	135	6,75	
12	9 фоизли ёғли творог, кислоталиги 150 0Т	25 000	50	1 250,0	22,5	
13	Қаттиқ турдаги пишлок	30 000	15	450,0	6,75	
14	I категорияли мол, кўй, парранда ва кўси (сарпанжа, курак, сон-чанок, филе, бўйин кисми) гўшти	58 000	160	9 280,0	72	
15	Балик	25 000	100	2 500,0	45	
16	тухум (дона)	1 100	1	1 100,0	0,45	
17	Картошка	3 500	350	1 225,0	157,5	
18	Сабзавотлар, шу жумладан, помидор пастаси (3 гр)	10 000	450	4 500,0	202,5	
19	Мевалар, янги узилган резаворлар, витаминлар билан бойитилган ичимликлар	5 000	300	1 500,0	135	
20	Куруқ мевалар (туршак, майиз, кўксултои, олма, наматак)	15 000	30	480,0	13,5	
21	Чой	30 000	0,5	15,0	0,225	
22	Какао	4 000	5	200,0	2,25	
23	Йодланган ош тузи	1 200	5	6,0	2,25	
24	Хамиртуруш	28 000	1	28,0	0,45	
Бир ўкувчи учун бир кунлик норма - жами (тан нархи)			32 318,20			
Аутсорсер томонидан белгиланган устама хаки микдори			“12” фоиз			
ЖАМИ:			36196,4			

2022 йил «11» ноябрдаги 4-сон Шартномага
4-ИЛОВА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ТАОМНОМА ШАКЛИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
аутсорсер

(Ф.И.О.)

М.Ү.
(имзо)

«КЕЛИШИЛДИ»
мактаб директори

(Ф.И.О.)

М.Ү.
(имзо)

ТАОМНОМА

(20 йил

(сана)

(жыл)

учун)

-синфлар
Ўқувчилар сони _____ нафар

	Таомнома	Таом базни	Махсу- лотлар номи	Махсу- лотлар (р)	Махсу- лотлар норма**	Океил	Ет	Углевод- лар	Ккал
*Популация	Таом номидар бизнесин	Ўзумий таом казни күрсөтүлүш сүй	Таом таберлекдан махсузлар номидар күрсөтүлүш	Таом табер- лекидан ашыла- ныдан малзусу- лөөлөр оңратыны	Таом табер- лекидан ишга- шылдан малзусу- лөөлөр нарихи күрсөтүлүш	Таом таберлекидан ишга- шылдан да ишшатылган да бир маҳсулот асы таркиби күрсөтүлүш	Таом таберлекидан да ишшатылган да бир маҳсулот асы таркиби күрсөтүлүш	Таом таберлекидан да ишшатылган да бир маҳсулот асы таркиби күрсөтүлүш	Таом-нин энергетик жүккөнүү күрсөтүлүш
**Несекени түшүнүштөрүш	Түшүнүш								
***Көчөн өспөт									
Бир күнүнкү, жами						*			

Бир нафар ўкувчи учун сарфланган маблаг миңдори устама хаки билан бирга (сүмда) _____

* Ет оқсона мавжуд таълим муассасаларида 5 маңал таомланадиган таълим муассасалариңа нисбатан татбият этилади.

** Маңаллардың җөккөнүүттөрүнен тасдиқланган озиң-овкун маҳсулотлары нарихидан келиб чиқып белгиланады.

Аутсорсер ходими

(имзо)

(Ф.И.О.)

Мактаб ходими

(имзо)

(Ф.И.О.)

2022 йил «11» ноябрдаги 4-сон Шартномага
5-ИЛОВА

**Сифати тез бузилувчи озиқ-овкат маҳсулотларини қайд этиш
ДАФТАРИ**

T/p	Таъминотчи юридик шахснинг номи	Ююхати раками, маҳсулот олиб келинган вақт за сана	Сифати тез бузилувчи маҳсулотлар номи	Сифати тез бузилувчи маҳсулотлар миқдори	Сифати хакида маълумот	Ишлатиш муддатининг охириги санаси ва вақти	Имзо
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
...							